


Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Аҳмад



15:00 / 06.12.2020 1470

Шайх, имом, ҳофиз, ўрнак бўлувчи, мусанниф, сиқа Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Самкувайҳ Асбаҳоний.

Ҳиротда истиқомат қилганлар. Ҳадис илмининг чавандозларидан бўлиб, кўп ҳадис ривоят қилганлар.

Бағдодда Абу Муҳаммад Халлол ва у кишининг табақасидагилардан, Найсобурда Абу Ҳафс ибн Масрурдан, Асбаҳонда Баҳрувайҳнинг набиралари Иброҳим ва бошқалардан, Самарқандда шу ернинг мусниди Умар ибн Шоҳиндан, Шерозда ҳофиз Абу Бакр ибн Абу Алидан ҳадис эшитганлар.

409 йилда таваллуд топганлар. Кексалик чоғларида ҳам ҳадис ўрганганлар. Ниҳоятда ибодатли, солиҳ, бошқаларга яхшилик истовчи инсон бўлганлар. Одамлар у кишидан табаррукона дуо олганлар.

Бу кишидан Исмоил ибн Муҳаммад Таймий, Абу Абдуллоҳ Даққоқ ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Даққоқ «Рисола» китобларида айтиб ўтганлар: «Ибн Самкувайҳ ҳадис китобларини мукамал билардилар. Ваҳим (гумон)лари фаҳмларидан кўпроқ эди. Найсобурга Абдулазиз Нахшабийга ҳамроҳ бўлиб борганлар. Ҳиротда бир неча йил варроқлик қилиб яшаганлар. Мен ҳам у киши билан ўша ерда учрашганман. Ўртамизда сал кек ва ҳасад пайдо бўлган эди». (

*Шу кек ва ҳасад туфайли бўлса керак, Даққоқ бу киши ҳақларида:
«Ваҳимлари фаҳмларидан кўпроқ эди», – деганлар. Бу гапга кўп ҳам
эътибор берилмайди. Чунки бир даврда яшаганлар ўртасида шунга ўхшаш
ҳолатлар онда-сонда бўлса ҳам, кузатиб турилгани тарихдан маълум).*

Бу икки хислат нақадар ёмон. Аллоҳ таоло бизга булардан паноҳ берсин.

482 йили зулҳижжа ойида Найсобурда вафот этганлар.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан